

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХИММАТОВА ГУЗАЛ АМИРКУЛОВНА

**ҚУЧҚОР НОРҚОБИЛ НАСРИДА ДАВР ВА
ШАХС ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Химматова Гузал Амиркуловна
Кўчқор Норқобил насрида давр ва шахс талқини..... 5

Khimmatova Guzal Amirkulovna
Interpretation of the time and personality in the Norkobil Kuchkar prose..... 23

Химматова Гузал Амиркуловна
Интерпретация времени и личности в прозе Кучкар Норқобил..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications 45

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХИММАТОВА ГУЗАЛ АМИРКУЛОВНА

**ҚУЧҚОР НОРҚОБИЛ НАСРИДА ДАВР ВА
ШАХС ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида
В2020.4.PhD/FU962 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида
(www.qarshidu.uz) ва "Ziyouet" Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хасанов Шавкат Аҳадович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўраев Дамин
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Баҳодир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузурдаги DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01
рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "29 03" соат 14 дақиқада бўлиб ўтди
(Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кучаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56;
e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 301-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кучаси, 17.
Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "17 03" куни тарқатилди
(2022 йил "17 03" дақиқада "2" рақамли реестр баённомаси).

Handwritten signature in blue ink.

Н.Н. Шодмонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.ф.л. профессор

Г.Н. Тоқиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.ф.л. DScI доцент

Д.Тўраев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қўшиқчи
илмий семинар раиси,
ф.ф.л. профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида давр ва шахс муаммосининг поэтик талқини, бу йўналишда яратилган лирик, насрий ва драматик асарлардаги давр ва шахс муносабатларининг бадий, фалсафий, ижтимоий-тарихий, ғоявий-эстетик хусусиятларини белгилаш, эстетик категорияларини тайин этишда муҳим илмий натижалар қўлга киритилмоқда. Ижодкор ўз даврнинг умумий манзарасини бадий ифода этади. Демак, ҳар бир яратилган бадий асар ўз даври, муайян жамият ва инсон муносабатларини ўзида ифодалайди. Айни жиҳат асосий назарий муаммолардан бири сифатида долзарблигини сақлаб келмоқда.

Дунё адабиётшунослигида давр ва шахс муаммоси фақат бадий-эстетик, ижтимоий-фалсафий муаммо эмас, айни пайтда психологик, умуммаданий муаммо сифатида глобал тушунчага айлангани юзасидан аҳамиятли илмий-назарий қарашлар илгари сурилмоқда. Шу жиҳатдан, алоҳида олинган ижодкор асарларида даврнинг инсон тақдири, рухиятига кўрсатадиган таъсирини белгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, дунё халқлари адабиёти намуналарида урушдан жабр кўриб, қалби жароҳатланган, тақдири чигалликка юз тутган, тинчлик сари интилаётган инсон образларида яққол намоён бўлаётганига доир тадқиқотлар ушбу фикрни тасдиқлайди. Умуман, давр ва инсон концепциясини замонавий тадқиқот тамойиллари асосида илмий баҳолаш жаҳон адабиётшунослигида ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида давр ва инсон муносабатларининг поэтик талқини масаласини алоҳида ижодкорлар асарлари мисолида илмий изланишлар олиб бориш; хусусан, уларни образ, характер, персонаж рухий олами контекстида баҳолаш борасида муайян тажриба тўпланди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларнинг бошларида адабиётимизга бирин-кетин кириб келган ёш ижодкорлар адабиётимизга янгича оҳанг, руҳ олиб кирди. Улар орасида Кўчкор Норқобил ижоди ўзининг жанр хусусиятлари, мавзу қўлами, образлари, тасвир усули, инсон ва у яшаётган жамият ҳаёти билан уйғун тасвири нуктаи назаридан XX аср охири ва XXI аср бошлари ўзбек насрида алоҳида ажралиб туради. “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор экан”¹ лигидан келиб чиққан ҳолда ўзбек адабиётшунослигида давр ва шахс муносабатларининг насрда акс этиши муаммоси, собиқ шўро тузумининг мудҳиш хатоси; дея таърифланган Афғон урушининг глобал муаммога айланганлиги, урушнинг инсон психологиясига таъсирини бадий асар доирасида очиқ бериш, инсоннинг олий қадрият эканлиги, миллат ва ватан тақдирига алоқадорлиги масалаларини аниқлаш илмий-амалий жиҳатдан долзарбдир.

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламига юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан. Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 12 январдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури, 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшунослик ва танқидчиликда давр ва инсон талқини муаммоси ўрганилган. Хусусан, В.Днепров, Ю.Борев² каби жаҳоннинг етук адабиётшунослари томонидан мазкур мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилган. А.Рашидов, С.Мамажонов, Д.Тураев, Н.Бекмирзаев, Н.Худойберганов, О.Тоғаев, У.Ўлжабоевлар³нинг илмий изланишларида, А.Холмуродов, О.Шофиев, Н.Қобулова, Г.Орипова,

²Днепров В. Идеи времени и формы. – Л.: Издательство «Советский писатель», 1980. – 596 с.; Борев Ю. Эстетика. – 4-е изд. – М.: Политиздат, 1988. – 496 с.

³Рашидов А. Ўзбек кассаларида меҳнат тасвири. – Тошкент: “Фан”, 1980.; Мамажонов С. Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбек адабиёти. – Тошкент: “Фан”, 1975.; Тураев Д. Ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Тошкент: “Университет” нашриёти, 2001.; Бекмирзаев Н. Ўзбек Совет ҳарбий прозаси. – Тошкент: “Фан”, 1981.; Худойберганов Н. Ипояч. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1988. – 248 б.; Тоғаев О. Прометей олови. – Тошкент: “Еш гвардия”. 1985. – 224 б.; Ўлжабоев У. Ўзбек ҳарбий прозасида характер яратилишининг баъзи масалалари. – Тошкент: “Фан”, 1989.

О.Холматовлар⁴нинг диссертацияларида давр ва инсон концепцияси буйича муайян ишлар амалга оширилган. Аммо Кўчқор Норқобил ижоди, хусусан, унда давр ва инсон талқини масаласи илк бор монографик планда ўрганилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ҳозирги адабий жараён масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Кўчқор Норқобил насрининг бадиий-эстетик табиатини, давр ва инсон талқинини, урушнинг инсон рухиятига таъсири масалаларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Кўчқор Норқобил насрида давр ва инсон муносабатларининг бадиий ифодасидаги ўзига хосликларни аниқлаш;

ёзувчи насрий асарларидаги қаҳрамонларни давр ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда ёритиш;

ёзувчининг ҳарбий мавзудаги асарларида муаллиф дунёқараши масалаларини очиб бериш;

қаҳрамон тақдирининг фожеавий талқинида ва характер кифосида психологизм тасвирини ёритиш;

қаҳрамонлар рухияти ва қалб кечинмаларини тасвирлашда ёзувчининг бадиий маҳоратини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Кўчқор Норқобилнинг ҳикоя ва қиссалари олинди. Шунингдек, қиёс учун унинг драматик ва лирик асарларига ҳам муурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг предметини Кўчқор Норқобил насрида давр ва шахс талқини муаммосининг ёритилиши, муаллиф дунёқараши ва қаҳрамон табиати, урушнинг инсон рухиятига таъсири, характерлар ранг-баранглиги ва психологизм, бадиий тасвир ва ифода воситаларининг адиб ижодидаги мавқеини кўрсатиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, социологик, психологик, биографик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Кўчқор Норқобил уруш акс этган қисса, ҳикоя, кундаликларида хотира жароҳатлари ҳам ёзувчининг поэтик услубига ўз таъсирини ўтказганлиги

⁴Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX асрнинг сўнги чораги). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008. – Б. 291; Шофиев О. Эркин Аъзам насри бадиияти (киноя ва образ). Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2019. – Б. 145.; Қобулова Н. Эркин Аъзам насрида давр ва инсон концепцияси. Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2020. – Б. 128.; Oripova G. Uzbek poetry and the world literature in the years of Independence // Scientific journal of Polonia university, 2019. 32(1), 116-120; Шу муаллиф. The peculiarities of vazn meter in Uzbek poetry of the independence period // International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. Volume: 8 /Issue:2/. – Macedonia, 2019. – P. 33-39.; Kholmatov O. The Image Of War People In The Stories Of Utkir Hoshimov // The American Journal of Social Science and Education Innovations. – Volume 03 Issue 37, Published: March 27, 2021. – P. 255-260.

сабабли асарлар сюжетидаги воқеалар кўпинча хотира, туш, галлюцинация шаклида реаллашиши ёритилган;

адиб қаҳрамонлари ички оламини тасвирлашда тушга катта бадиий-эстетик вазифа юклаш орқали персонажлар ички оламидаги эврилишларнинг ёритиб берилиши, характерларнинг психологик таҳлилга тортилиши аниқланган;

Кўчкор Норқобил қаҳрамонлар ички дунёсини нафақат кечинмалар, руҳий эврилишлар, зиддиятлар орқали, балки уларнинг ташки кийёфаси: юз-кўз ифодаси, мимика, имо-ишора, йиғи, кулгу сингари хатти-харакатлар орқали ҳам маҳорат билан тасвирлаши очиб берилган;

адиб ижодини хронологик тарзда кузатиш орқали асардан асарга ўтгани сари насрий услуби такомиллашгани, поэтик маҳорати сайқаллашиб боргани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кўчкор Норқобил асарларини давр ва шахс муаммосига кўра илмий таснифлаш натижасида ёзувчи бадиий насрининг етакчи хусусиятлари ва кўлами белгиланган;

давр ва шахс уйғунлиги муаммосининг адабий-эстетик, ижтимоий-фалсафий омиллари, муаммонинг замонавий ўзбек насри контекстидаги ўрни Кўчкор Норқобил асарларини тадқиқ этишнинг илмий натижаси сифатида тадрижий ёритилган;

адиб насри асосида ижодкор шахсияти ва воқелик талқини, муаллиф дунёкараши ва уруш мавзуси, қаҳрамон тақдирининг фожеавий талқини, характер руҳиятида психологизм ва ёзувчининг поэтик маҳорати масалалари аниқланган;

тадқиқ этилган бадиий асарлар асосида адабиётшунослигимизда деярли ўрганилмаган ҳарбий наср, афғон уруши мавзуси ҳамда унинг инсон қалби, руҳиятига таъсири масалалари ёритилиб, давр ва шахсфалсафаси масаласи юзасидан илмий хулосалар чиқарилган.

ушбу тадқиқот натижаларидан келгусида адабиётшунослик ва адабий танқид бўйича илмий тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметиға мувофиқлиги, назарий фикр ва умумлашмалар қиссий- тарихий, психологик, социологик, биографик таҳлил методлари воситасида хулосалар чиқарилгани ҳамда улар амалиётга татбиқ этилганлиги, адабиётшунослик методологияси асосида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Чиқарилган назарий хулосалардан истиқлол даври ўзбек адабиёти тарихини яратишда, адабиёт назарияси фанининг ҳарбий наср, давр ва шахс талқини, бадиий психологизм масалаларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

Диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар “Адабиётшуносликка кириш”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Бадий таҳлил асослари”, “Янги ўзбек адабиёти” фанлари бўйича олий таълим муассасаларининг филология йўналишларидаги талабаларга мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, маърузалар ўқиш, шунингдек, адабиёт фани бўйича академик лицей ва умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига истиқлол арафаси ва истиқлол даври ўзбек адабиёти, адабий жараён бўйича машғулотлар олиб боришда, семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўчкор Норқобил насрида давр ва шахс талқини бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Кўчкор Норқобил уруш акс этган қисса, хикоя, кундаликларида хотира жароҳатлари ҳам ёзувчининг поэтик услубига ўз таъсирини ўтказганлиги сабабли асарлар сюжетигадики воқеалар кўпинча хотира, туш, галлюцинация шаклида реаллашишини ёритишдаги илмий натижалардан Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, Г002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанр ва турларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 20 майдаги 17.01/107-сон маълумотномаси). Натижада ҳарбий насрнинг жанрий хусусиятларидан фойдаланилган ҳолда лойиҳа ишида назарий умумлашмалар чиқариш имконини берган;

Кўчкор Норқобил қаҳрамонлар ички дунёсини нафақат кечинмалар, руҳий эврилишлар, зиддиятлар орқали, балки уларнинг ташқи қиёфаси: юз-кўз ифодаси, мимика, имо-ишора, йиғи, кулгу сингари хатти-ҳаракатлар орқали ҳам маҳорат билан тасвирлаши очиб берилганлигига доир илмий натижалардан ФА-Ф1-0005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида (2016-2020) фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 20 майдаги 17.01/107-сон маълумотномаси). Натижада психологизм ва поэтик маҳорат масалаларини аниқлаштириш имконини берган;

бугунги адабий жараён муаммолари, хусусан, Қ.Норқобил насрида уруш мавзусининг бадий талқинлари, урушнинг инсон руҳиятига таъсири масалаларини ёритишга доир хулосаларидан Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси адабий-бадий, маънавий-маърифий дастурлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 2021 йил 16 июлдаги 01-01/77-сон маълумотномаси). Натижада таҳлилларнинг жонли ва қизиқарли, ҳозирги адабий жараён масалаларини очиб бериш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларжамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, маҳаллий журналларда 3 та, хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий анжуманларда маърузалар ўқилган ва тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ижодкор шахси ва ижодий ғоялар талқини”** деб номланган бўлиб, икки фаслдан иборат.

Биринчи фасл **“Ижодкор шахсияти ва воқелик инъикоси”** деб номланган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларнинг бошларида адабиётимизга бирин-кетин ёш носирлар кириб келди. Назар Эшонкул, Абдуқаюм Йўлдошев, Наби Жалолiddин, Улуғбек Ҳамдам, Зулфия Куролбой кизи сингари ўша даврнинг кенжа авлодига мансуб дея аталган ижодкорлар адабиётимизга янгича оҳанг, руҳ олиб кирди. Улар орасида Кўчқор Норқобил ижодининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Маълумки, Қ.Норқобил дастлаб ижодини шеърлар ёзиш билан бошлаган. Афғон урушига оид дафтари нашр этилмасдан олдин у умидли шоир сифатида эътироф этилган эди. Умуман, шеърият ва наср фалсафадаги билиш назариясининг ҳиссий ва ақлий билиш босқичларига ўхшаб кетади. Чунки ҳиссиётда сезги, тасаввур шакллари муҳим ўрин тутса, ақлий билишда далилларга асосланиб, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликлар англаниб, умумлаштириш ва объектив оламни ранг-баранглиги билан кўришга эришилади.

Қ.Норқобил насрида билиш назариясининг ҳар иккала босқичи иштирок этади. Буни таниқли адиб Шукур Холмирзаев ҳам эътироф этган эди: “Кўчқор Норқобил шоир, шунинг учун унинг насри камтарона. Ушбу жумлага бир назар ташлайлик: “Шоир сигарет тутатди. Нам ҳавода сигарет тутуни буралиб ҳавога ўралади. Бу холат шоир учун мароқли эди. Ёмғир. Ғира-ширлик. Салқин ҳаво... У кейинги бекатгача пиёда юргиси келди”. Бу ерда гап асар қаҳрамонларининг шоирлиги ҳақида эмас, умуман тасвир ҳақида-аниқроғи борлиқни қабул қилиш сонияси ҳақида кетаяпти...”⁵

⁵Кўчқор Норқобил.Сўз боппи муаллифдан. Шукур Холмирзаев. Қуёшни қим уйғотади. – Тошкент: Шарқ, 2007.

Ҳиссий билимдан ақлий билимга ўтиш сифат ўзгариши ҳисобланади. Ақлий билишнинг шакллари тушунча, ҳукм ва ҳулосадир. Қўчқор Норқобил насрида шу икки тушунча бир-бирига шундай уйғунлашиб кетганки, натижада ягона бир бутунлиқни ҳосил қилган. Ҳиссиётлар, сезгилар ифодаси ҳукмга, ҳулосага йўл очади.

Қўчқор Норқобил уруш акс этган қисса, хикоя, кундалиқларида хотира жароҳатлари ҳақида бот-бот гапириб ўтади. Ана шу хотира оғриқлари ҳам ёзувчининг поэтик услубига ўз таъсирини ўтказган. Бу асарлар сюжетдаги воқеалар кўпинча хотира, туш, алаҳсираш, галлюцинация шаклида реаллашади. Шу тариха ёзувчи реалликдан нореалликка, нореалликдан реалликка ўтаверади. “Дарё ортидаги йиғи”, “Кулиб тур, азизим”, “Ўн саккизга қирмаган мен бор” қиссаларининг барчасида ана шундай индивидуал услуб белгиларини кўрамыз.

Қўчқор Норқобил қиссаларида, хусусан, “Ўн саккизга қирмаган мен бор” қиссасида шундай ғайритабиий ҳолат, кайфиятлар тасвирланадики, булар соғлом ақлга бўйсунмайди, китобхонни оммавий онгсизликнинг қоронғи манзилларига етаклайди.

Умуман олганда, Қўчқор Норқобил Ш.Холмирзаев айтганидек: “адабиётшунослигимиздаги жўн, содда ишланган йўللاردан” бирига тушиб қолмади, балки ўзининг янги, оригинал йўлини топиб олди. Бу ижод йўлини тадқиқ этганда замонавий фалсафа, психология ютуқлари асосида кузатувлар олиб бориши қутилган натижаларга олиб келади.

Бобнинг “Қўчқор Норқобил насрида инсон ва давр тасвири” деб номланган иккинчи фаслида адиб насрий асарларида инсон ва давр тасвирининг бадиий талқини акс эттирилган.

Бадиий адабиётда инсон ва давр муаммоси ҳамиша долзарб муаммолардан бўлиб келган. Шу жиҳатдан адиб ижодини кузатсак, давр ва инсон муносабатларининг ранг-баранг талқинларини кўрамыз. Кечаги мода бугунга мувофиқ келмаганидек, бугунги бичим эртага тўғри келмаслиги ҳар бир даврнинг ўз гоё ва шакллари мавжудлигини англатади. Одамларнинг орзу-интилишлари, кайфиятлари ўзгариши баробарида ҳаёт ва унга бўлган муносабат ҳам ўзгаради ёки аксинча. “Ёзувчилар ўз қаҳрамонлари характерларини кашф этиш жараёнида турмушда учраб турувчи тасодифий хусусиятлар, муаммоларни эмас, аксинча, инсон шахсининг туб моҳияти ва ўзагини ташкил этувчи, нисбатан барқарор ва давр билан биргаликда унга ҳамоҳанг равишда борадиган хусусиятларига, ижтимоий турмуш ва муҳит таъсирида таркиб топган асосий ирода йўналишини белгиловчи етакчи жиҳатларга таянишади”⁶. Дарҳақиқат, ижод, қалам аҳли олдида ҳар бир даврда улкан масъулият туради. У ҳам бўлса, даврни бор бўй-баста билан тасвирлашдир. Ижодкор асаридаги қаҳрамон орзу-армонлари, ботиний ва зоҳирий оламини акс эттириш орқали давр ва одамлар қисматини бадиий тарихга муҳрлайди.

⁶ Д.Тўраев. “Ўзбек романиларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси”. – Тошкент: “Университет” наприёти, 2001. – Б. 5.

Адибнинг “Бу ерларда ҳаёт бошқача” ҳикоясининг асосий мавзуси меҳр-оқибат туйғусининг тобора йўқолиб бораётганлигидир. Асар қаҳрамонлари Раҳим бова ва Гулдурак момо катта фарзандини кўриш учун шаҳарга йўл олишади. Фарзанд соғинчи, неваралар дийдори уларни шаҳарга интиштиради. Аммо улар фарзанди уйда ҳашаматдан, уларга тамомила бегона бўлган муҳитдан бошқа нарсани топа олишмайди. Чол ва кампир давр ўтганини, одамлар, уларнинг яшаш тарзи ўзгариб кетганини англаб етишади.

Ёзувчининг “Ёғду йўл” ҳикоясида эса жамиятимизнинг энг долзарб муаммоси қаламга олинган. Сир эмаски, бугунги кунда китобхонлик анчайин сусайиб кетди. Глобал тармоқ том маънода китобларнинг ўрнини эгаллади, десак хато бўлмайди. Аммо китоб ўқимасликнинг одатга айлана бориши жиддий оқибатларга олиб келишини инкор қилиб бўлмайди. “Ёғду йўл”да Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим” киссаси қаҳрамони Дуйшэн сингари кишлоқдошларини илм-маърифатга етакловчи Ҳасан муаллимнинг жонқуярлиги, фидойилиги ва миллатпарварлиги намоён бўлади. У кишлоқдаги ягона кутубхонани сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан курашади.

Кўриниб турибдики, Қўчқор Норқобил насрида давр ва инсон масаласи алоҳида ўрганилиши талаб этиладиган муаммолардан. Маълумки, ҳар қандай характер бадиий асарга ўзининг ўтмиши ва хотиралари билан кириб келади. Унинг кейинги хатти-ҳаракатларини, ҳаёт йўлини ана шу ўтмиши ва хотиралари белгилаб беради.

Теварак-атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг барчасини ҳам хотирада сақлашнинг имкони йўқ. Жуда кўп ҳолат, хотира, эпизод, яхши-ёмон гапларнинг бир қисми онгда сақланади, қолган қисмлари сув тубига чўккан тошдек онгостида сақланади. Юқорида кўриб чиқилган асарлардан англашиб тургандек, адибнинг яратган характерлари, замондошлар образлари кўпинча онгостида билинмасдан, унчаём аҳамиятли туюлмагандек, бироқ инсоннинг келгуси тақдири ва ҳаёт йўлига жиддий таъсир кўрсатадиган хотиралари талқини билан эътиборни тортади. Умуман олганда, давр ва инсон концепцияси мураккаб ва серкирра фалсафий тушунча бўлиб, албатта, даврнинг “об-хаво”сини инсон белгилайди. Давр шароит, муҳит каби тушунчаларни камраб олишини ҳисобга оладиган бўлсак, инсон омилига даврнинг таъсири ҳам бекиёслиги аёнлашади. Қўчқор Норқобил яратган характерлар маънавий қиёфаларини, ўзликларини ана шу нукталарда бор бўй-басти билан намоён этади, адабиётнинг ҳақиқий ва қонуний фуқаролари эканликларини исботлашади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Насрда уруш мавзуси ва қаҳрамон тақдири муаммоси**” деб номланиб, уч фаслдан иборат.

Бобнинг “**Қўчқор Норқобил ижодида афғон уруши мавзуси**” номи биринчи фасли адиб насрида афғон уруши мавзуси тадқиқига бағишланган. Ўзбек адабиётида ҳам уруш мавзусида қатор насрий асарлар яратилган. Дунёни ларзага келтирган Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Шухратнинг “Олтин зангламас” ва “Шинелли йиллар” романлари ўзбек адабиётида ҳарбий насрда яратилган ижод намуналарининг энг

сараларидан саналади. Уларда уруш жараёнида одамлар ҳаёти, уларнинг ўй-хаёллари, туйғулари, армонлари ўз бадий ифодасини топган. Шухрат уруш мавзусида дастлаб “Шинелли йиллар” романини яратди. Романнинг бош қаҳрамони Элмуроднинг ҳаёти мисолида уруш воқеалари ва манзарасини ҳаққоний акс эттиради.

Кўчкор Норқобил ижодида ҳам уруш мавзуси, яъни “афғон уруши” мавзуси етакчилик қилади. Адиб урушни ўз кўзи билан кўрган, иштирок этган. Ўзи билан ёнма-ён юрган сафдошлари кўз олдида жон берган, қонга беланган. Гарчи уруш тугаган бўлса-да, унинг жароҳатлари, асоратлари хали-ҳамон тугаган эмас.

Ижодкорнинг афғон урушида иштирок этган чоғларида ёзган кундалик қайдлари унинг характери, дунёқараши, бадий-эстетик ғояларини ифодаловчи манбадир. Бу изтироблар кейинчалик адибнинг асарларига ҳамиртуруш бўлганига шубҳа йўқ. “Қуёшни ким уйғотади?” асари Кўчкор Норқобилнинг кундалик қайдлари, ёзувларидан таркиб топган. Унда Афғонистонда кечган уруш ва ундан кейинги йиллардаги хотиралар жамланган.

Муаллифни уруш хотиралари қийнайди. Унга тинчлик бермайди. Адиб шундай ёзади: “Мен эски қўлёмаларим ичидан авайлаб-асраб келаётганим кўк муковали қалин жилдли иккита кундаликлар дафтаримни олиб варақлаяпман. Мен уни урушда тутганман. Деярли ҳар куни бир, бир ярим саҳифа ўзим гувоҳ воқеаларни қоғозга туширганман. Хуллас, йўлини топиб, шаклини ўйлаб кўрсам дуппа-дуруст роман чиқади.

Шу кундаликлардан айрим воқеаларни эълон қилишга журъат қилдим. Мен бу орқали инсон тақдири, инсон юрагининг оғриқлари, ҳаётни севиш, қадрлаш, сабр ва магонат ҳақида фикр юритмоқчиман. Қолаверса, урушнинг нечоғлик даҳшат ва фожа эканини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак”⁷.

Диссертацияда бу муаммо ёзувчининг бир қатор асарлари таҳлили мисолида атрофлича ўрганилди.

Бобнинг иккинчи **“Қаҳрамон тақдирининг фожиавий талқини”** деб номланган фаслида Кўчкор Норқобил асарлари қаҳрамонларининг турфа тақдирлари, трагиклик талқини масалалари ўрганилган.

Ҳаёти бир маромда кечаётган инсон тақдирининг буткул ўзгариб кетиши, унинг руҳияти, зохири ва ботинидаги хис-туйғулари, кечинмаларининг бадий талқини Кўчкор Норқобил ҳарбий насридаги қаҳрамонлар тақдирида ўз аксини топади.

Адибнинг “Самодил” тўпламига киритилган ҳикояларида ҳам уруш асоратлари, унинг инсон қалбига таъсири масалалари бадий талқин этилган. Тўпламдаги “Осмон остидаги сир” ҳикоясида урушнинг бир йигит умрини ҳазон қилиб, унинг фожиавий яқунланишига сабаб бўлганлиги тасвирланади. Ҳикоя қаҳрамони Тўлқин ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаган. У урушда олган жароҳати туфайли бегушг бўлиб қолади. Агар уруш бўлмаганда Тўлқин ва Хайринисо бир этак фарзанд кўриб, бахтли умр кечирishi мумкин эди. Хотини Хайринисонинг хиёнати Тўлқинга уруш даҳшатларидан кўра

⁷ Норқобил К. Қуёшни ким уйғотади?: қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2007. – 323 б.

кўпроқ таъсир қилади. Ор-номус масаласи унинг умрига нукта қўяди. Хайринисонинг фарзандсизликда ўзини айбдор эмаслигини исботлашга уриниши аслида уни хиёнатга етаклайди.

Фожиавийлик занжири бора-бора урушга бориб такалади. Тўлқин танк ва Хайринисо тақдирининг фожиавий якунида уруш асосий сабабчи. Тўлқин танк Афғондаги хизмати туфайли бепушт бўлиб қолди. Хайринисо эса, фарзанд кўра олса-да, фарзандсиз. Бир тарафдан унинг ҳам оналик туйғусини туйишга ҳаққи бор. Хайринисонинг бутун изтироблари, оғриқлари мана бу жумлаларда хайқирик каби отилади:

“ – Мени ўлдири! Мени ўлдирақол! Менга ит тегиб бўлди. Мен хор бўлдим. Нега бақрайиб турибсан. Гумонам сендан эмас... Сен ношудсан!”

Бу хикоянинг энг драматик нуктасидир. Тўлқин танк ўз жонига қасд қилди. Хайринисо хиёнат кўчасига кирди. Туғилажак фарзанди отасининг аслида ким эканлиги билмаслиги ҳам фожиавийлик занжирига янги бир узв бўлиб қўшилади.

Кўчқор Норқобилнинг “Олисида юз берган воқеа” асарида давр, ижтимоий тузум инсоннинг ҳаётини, тақдирини ўзгартириб юборганини Ҳайдар отанинг қисмати орқали очиб берар экан, унинг руҳиятини тафтиш қилади.

Кўчқор Норқобил қахрамонларининг турфа тақдирлари, фожиавийлик манзарасини очиб берувчи ўнлаб асарлар яратди. Жумладан, “Дарё ортидаги йиғи”, “Қулиб тур, азизим”, “Ўн саккизга кирмаган мен бор”, “Қордаги лола” қиссаларида уруш мавзуси қаламга олинган. Адиб қисса жанрининг имкониятлари асосида уруш мавзусини турли ракурсларда, кенг планда кўрсатиб берди.

Адибнинг қиссаларига мурожаат қилар эканмиз, жангтоҳлар тасвири асносида, инсон ва кўнгил руҳиятининг энг нозик торларини бадий ифода этади. Ёзувчи уруш мавзуси орқали ҳаёт учун кураш фонида яшаш, тақдирга кўниқиш, ўлим, мухаббат каби туйғу ва кечинмаларни санъаткорона тасвирлайди. Уруш сўзи фожа ва ўлим билан доимо ёнма-ён туради.

Уруш фожиасини уни бошидан кечирган одамгина тўла ҳис қила олади. Қ.Норқобил жангчи-адиб сифатида уруш мавзусини ўз бошидан кечирган воқеалар, гувоҳ бўлган ҳодисалар, ўша онлардаги қалб кечинмалари асосида бадий акс эттиради.

“Дарё ортидаги йиғи” қиссаси автобиографик характерга эга. Унда хронологик тарзда жангчи-адибнинг Афғонистонга ҳарбий хизматга бориш жараёнидан бошлаб, у ерлардаги ҳаёти, уруш воқеликлари, руҳий кечинмалари тасвирланган. Воқелик муаллиф тилидан хикоя қилинади. Адиб қисса давомида урушнинг инсоният учун улкан фожа эканлигини очиб беради. Асардаги мана бу парча ҳам фикримизнинг исботидир: “... Ҳаммамиз бирор тасодиф рўй бериб, орқага қайтишни жуда-жуда хоҳлаётгандик. Техникалар устида буйруқни кутаётган аскарларнинг ранг-рўйи кўркув зўридан

⁸Норқобил Кўчқор. Самодил: хикоялар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 58.

сарғайиб кетган, бироқ ҳамма сиртига сув юқтиргиси келмас, ҳар ким ўзини бефарк қилиб кўрсатар, аммо кўзлар кўзларга тўкнашганда мунглар зоҳир қароқлардан бир оғир дард, юракларнинг безовталигини англаш мумкин эди. Барчамизнинг суянчигимиз сигарет эди. Жангчиларнинг яшагиси келарди. Биз хоҳиш-истаги Ватан никобини кийган давр сиёсати қўлида эзгиланаётган шўрпешоналар эдик, холос. Бизни шармандаларча алдадилар, руҳан мажруҳ қилиб ташладилар, энди билсам. Қисқаси Кремлнинг гуноҳлари бўйи баробар юксалаётган эди. Негаки бу ёқларда эндигина оқ-қорани таниётган йигитлар қирилаётган эди, тириклар ҳам ўлиб бўлган эди”⁹.

Бир кишининг ўлими фожиа, мингларники эса оддий статистика дейишади. Гарчи бугун биз қўпинча афғон уруши қурбонлари фожиасини статистика сифатида қабул қилаётган бўлсак-да, ҳақиқий бадий асаргина айрим тақдирлар фожиаси мисолида бу “статистика”нинг аянчли ва мудҳиш қиёфасини кўрсата олади. Кўчкор Норқобил асарларида яратган фожиавий тақдирлар талқини шундай хулосаларга олиб келади.

Бобнинг учинчи **“Қаҳрамон руҳиятида психологизм”** фаслида Қ.Норқобилнинг насрий асарларида психологизм муаммоси тадқиқ этилган.

С.Л.Рубинштейн бадий асарда инсон руҳиятининг тасвири ҳақида шундай дейди: “Сўз санъаткорлари қаҳрамон психологиясини тасвирлар экан, айнан унинг (қаҳрамоннинг) кечинмалари – камолотга эришишдаги индивидуал йўлини ҳаётининг бурилиш паллалари сифатида ёритишга интилишлари бежиз эмас. Иттифоқо, инсон кечинмалари – бунинг реал ҳаётининг субъектив томони, шахс умр йўлининг субъектив аспектидир”¹⁰

Кўчкор Норқобилнинг ўзи ҳам уруш қатнашчиси бўлганлиги, унинг бугун фожиа ва даҳшатларини бошидан кечирганлиги боис асарларидаги воқелик, айниқса, персонажнинг ботиний олами, руҳий ҳолати бор бўй-басти билан намоён бўлади. Уруш инсонга жисмоний нуксон, жароҳатдан кўра ҳам кўпроқ руҳий асоратларни қолдиради.

Туш инсон руҳиятининг ифодасидир. Қ.Норқобилнинг аксар асарларида туш ҳодисаси учрайди. Адиб қаҳрамонлари ички оламини тасвирлашда тушга улкан бадий-эстетик вазифа юклайди. Қолаверса, инсон характеридаги психологизмни ифодалашда тушнинг ўрни қатта. Туш орқали персонажлар ички оламидаги эврилишлар ёритиб берилади, характерлар психологик таҳлилга тортилади. Бу орқали қаҳрамоннинг ботинида кечаётган руҳий эврилишлар очиб берилади.

Уруш иштирокчилари одатда жанггоҳларда бошидан кечирганларини сўзлашни ишташмайдилар. Чунки уруш пайтидаги даҳшатларни яна онг остида қайта жонланиши уларга азоб беради. Ўша лаҳзалар уларнинг ботинида уйғониб, янада қийнади.

Уруш шароитида шаклланган киши тинч ҳаётга мослаша оладими? Бу ерда, эҳтимол, Биринчи жаҳон урушидан кейин “йўқолган авлод” деб номланган тажрибани ва замонавий тиббиётда кенг тарқалган “афғон

⁹Норқобил Қ. Дарё ортидаги йиги / Қуёшни қим уйғотади?: қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: “Шарк” НМАК, 2007. – 57 б.

¹⁰Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2000. – С. 13.

синдроми” атамасини эслаш ўринли бўлар эди. Бу урушдан қайтиб келган одам дунёда ўз ўрнини топа олмаслигини англатади. Масалан, Андрей Дайшевнинг “Икки юзинчи” романининг қахрамони, урушдан қайтаётган Валерий Герасимов ўзини бу дунёда мутлако бегона ҳис қилади: яқин одамлар уни тушунмайдилар, ҳамма жойда у хавфни ҳис қилади, ўтаётган ҳар бир одамда душман излайди.

“Персонаж характери очиш психологик тасвирнинг бирламчи муҳим вазифасидир. Юз-кўз ифодаси, мимика, имо-ишора, гавда ҳолати каби новербал ҳатти-ҳаракатлар кўпинча персонаж кўнглида кечаётган ҳислардан гувоҳлик беради”¹¹ деб ёзади тадқиқотчи Ш.Ботирова. Қ.Норқобил персонаж характери ифодалашда психологик деталлардан кўра, азоб, аламзадалиқ, дард, норозилиқни тасвирлаш йўлидан боради. Бунда ички монолог, ғойибона мулоқот, туш деталдан фойдаланади.

Файласуфларнинг фикрича, билим инсон тажрибаси тасдиғидан ўтган воқелиқ инъикоси бўлса, онг воқелиқнинг сўзсиз исботланган, ҳақиқат инъикоси бўлмайди. Чунки онг таркибида таҳмин, тусмол, адашиш, алданиш ҳоллари ҳам учрайди. Қ.Норқобил насри қахрамонида, тўғрироқ айтадиган бўлсак, муаллиф шахсиятининг шаклланиш жараёнида унинг онгида кечган таҳмин, адашиш, алданиш факторлари ўз изини қолдирган. Бу эса, ёзувчига реалликдан ҳеч сездирмай нореалликка ёки аксинча йўл тутишга қўл келган. Булардан ташқари адиб насрида ғайришуурий ҳолатлар ифодаси ҳам тез-тез кўзга ташланиб қолади.

Ёзувчи қахрамонлар ички дунёсини нафақат кечинмалар, рухий эврилишлар, зиддиятлар орқали, балки уларнинг ташқи киёфаси: юз-кўз ифодаси, мимика, имо-ишора, йиғи, кулгу сингари ҳатти-ҳаракатлар орқали ҳам маҳорат билан тасвирлайди.

Умуман, Қ.Норқобил психологик тасвир орқали қахрамонининг маънавий дунёси, психологик оламини очиб беради. Инсоннинг қалбини, ички дунёси, эврилиш ва кечинмаларини маҳорат билан тасвирлайдики, бу кўпинча туш, ички монолог, онг оқими, қахрамоннинг мимика ва жестлари орқали реаллашади.

Ишнинг учинчи боби “**Бадийят мезонлари ва поэтик маҳорат**” деб аталиб, икки фаслдан ташкил топган. “**Ёзувчи асарларида бадий тил масалалари**” деб номланган дастлабки фаслда адиб насрининг бадий тил олами ёритилган.

Бадий асарнинг жозибаси, ўқимишлилиги китобхонни ўзига мафтун этувчи кучи тасвир ёки ифоданинг аниқлигида кўринади. Бадийликнинг ҳар бир ижодкор учун бир хил қонуниятлари бўлмаса-да, шартли қонуниятлари борлиги маълум. Улардан бири М.Горькийнинг эътирофига кўра, “Тил бадий адабиётнинг асосий элементидир”¹².

¹¹ Ботирова Ш. Ҳозирги ўзбек романларида бадий психологизм (Улугбек Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Исён ва итлоот”, “Сабо ва Самандар” романлари мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Қарши, 2019. – Б. 91.

¹² Виноградов В. О языке художественной литературы. – М.: Гослитиздат, 1959. – С. 167.

Бадий тил – адабий асарлар ёзиладиган тил. Ёзувчи ҳаётни образлар воситасида акс эттирар экан, жонли халқ тили бойликларидан ҳам, адабий тил нормаларидан ҳам кенг фойдаланади. Ижодкор учун воқеликни: акс эттиришда вақт ва макон, асар қаҳрамонлари характери кўрсатишда шева, инверсия, архаизм, неологизм, жаргон, бадий тил воситалари ва бошқа лексик ресурслар муҳим аҳамият касб этади.

Адиб асарлари қаҳрамонлари қайси географик муҳит вакили бўлса, уларнинг нутқида бу аксини топади. Масалан, “Кўзларингни кўргани келдим” ҳикоясида хоразмлик Одамбой ўз шевасида гапиртирилган: “ – Чой булса чой-да. Лекин меҳмонлар кофе ичажакка ўхшайди. Ешўлли, мен сизни дониб дурупман. Сиз телевизорга чиқасиз. Ёзувчисиз. Лекин мемонлар донишмади. Қисинманг. Москванинг телевидорида чиқсангиз донишар балки...”¹³

Юқоридаги матндан персонажнинг қайси географик макондан эканлиги англашилса, бошқа томондан унинг кийёфаси, характери намоён бўлади. Одамбойнинг нутқидан унинг содда, самимий инсон эканлиги кўриниб турибди.

Кўчкор Норқобилнинг аксарият асарларида жонли тилдаги шева, касб-хунарга оид тил бирликларидан, синоним ва антонимлардан, архаизм ва жаргонлардан унумли фойдаланади. Бу омилларсиз асар жонсиз, муаллиф ва персонажлар нутқи ғариб бўлиб қолади. Ёзувчи тил орқали қаҳрамонларининг ташқи ва ички олами, уларнинг истак, интилишлари, орзу-армонларини кўрсатишга интилади.

Адиб асарларида қарғиш сўзларига ҳам дуч келамиз. “Осмон остидаги сир” ҳикоясида Рукия унга хиёнат қилган эрини шундай қарғайди: “Уйингга ўт тушсин. У дунёи бу дунё хору зор бўлиб ўласан. Манави норасиданинг уvoli тутайди... Худога солдим. Икки кўзинг кўр бўлмаса, розимасман”¹⁴.

Биламизки, ҳарбий насрнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улардан бири соҳага хос атамалар ҳисобланади. Қ.Норқобилнинг уруш мавзусидаги асарларида ҳарбий насрга хос тасвир воситалари ўз ифодасини топган.

Ёзувчи асарларида ҳарбий атамалар бот-бот ишлатилади. Масалан, “пулемёт”, “взвод”, “БМП-2”, “бронжилет”, “граната”, “рота”, “мина”, “сапёр”, “комбат”, “лейтенант”, “дурбин”, “танк”, “казарма”, “снаряд”, “осколка”, “дивизия”, “сержант”, “генерал”, “полк”, “шлемофон”, “миномёт” ва бошқ.

Урушда бўлмаган инсон ҳеч қачон унинг даҳшатини ҳис қила олмайди. Уруш ҳақида китоблар ўқиши, фильмлар кўриши ва шу орқали маълум бир маънода тасаввур уйғониши мумкин. Жангдан омон қайтган киши ўзи билан қалб жароҳатини ҳам олиб қайтади. Жангда тана жароҳат олиши мумкин. Жароҳат ўрни битар, борингки, ундан асорат сифатида бирон белги, чандик қолар. Аммо қалбдаги асорат оғирроқ. У бир умр азоб беради. Ёзувчи ҳикояда ана шу қалб жароҳатлари асоратларини коғозга туширади.

Табиат ва жой манзараларининг тасвири қаҳрамон руҳиятини ҳам ифодалайди. Бу нафақат инсон руҳиятидаги гўзаллик туйғулари, эстетик

¹³Норқобил Кўчкор. Кўзларингни кўргани келдим. Самодил: ҳикоялар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2018. – Б. 9.

¹⁴Норқобил Кўчкор. Осмон остидаги сир. Самодил: ҳикоялар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2018. – Б. 50.

жиҳатларини, балки тушқун, ваҳм, даҳшатни ифодалашда ҳам кўринади. “Дарё ортидаги йиғи” киссасида адиб жанггоҳларни тасвирлашда, жангчилар кайфияти, рухиятини ифодалашда пейзаж воситаларидан фойдаланади: “Кузнинг сокин тонги. Яланғоч дарахтлар қилт этмайди. Совуқ этни жунжиктиради. Бу сирли сокинлик ичра ўлим ваҳми кезади. Кичик уйлар, хароба ховлилар рассом тасвирлаган аллақандай сувратни эсга солади. Взвод шу қишлоқни ёриб ўтиб, Баграм йўлида ҳимояга туриши керак. Кобулдан Саланг тоғларига озик-овқат олиб ўтаётган машиналарни кўриқлаб туриши лозим. Бу ер ўлим маскани, деб номланган Чорикорнинг бошланиш қисми”¹⁵. Юқоридаги парчада куз, совуқ ҳаво, вайрон бўлган харобалар орқали урушнинг бутун бир даҳшатини кўрсатиб беради.

